РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

ДАДАЕВ ХУРШИД ХАМИДЖАНОВИЧ

ОҒИР БОШ МИЯ ЖАРОҲАТЛИ БЕМОРЛАРДА АНАЛГОСЕДАЦИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.37 – Анестезиология ва реаниматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2026

УДК: 616.831 001 085

Докторлик (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (PhD) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (PhD) dissertation

Дадаев Хуршид Ҳамиджонович
Оғир бош мия жароҳатли беморларда
аналгоседацияни такомиллаштириш..... 3

Дадаев Хуршид Хамиджанович
Оптимизация аналгоседации у больных
с тяжелой черепно-мозговой травмой..... 27

Dadaev Khursid Hamidjanovich
Optimization of analgesia in patients
with severe traumatic brain injury..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works…….…….....…...54

РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

ДАДАЕВ ХУРШИД ХАМИДЖАНОВИЧ

ОҒИР БОШ МИЯ ЖАРОҲАТЛИ БЕМОРЛАРДА АНАЛГОСЕДАЦИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.37 – Анестезиология ва реаниматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B20253.PhD/Tib6366 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (https://emerge-centre.uz/) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Шарипова Висолатхон Хамзаевна** тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Ибрагимов Неъматжон Комилжонович** тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Кариев Гайрат Маратович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Академик Н.Н. Бурденко номидаги Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазирлиги миллий нейрохирургия тиббий тадқиқотчилик институти (Москва, Россия)**

Диссертация ҳимояси Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.18.01.рақамли илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2026 йил «17» XI куни соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-46-00, (+99871) 150-46-05; e-mail: uzmedicine@mail.ru).

Диссертация билан Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (12 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878)150-46-00.

Диссертация автореферати 2026 йил «30» 10 куни тарқатилди.
(2026 йил «30» 10 даги №12 рақамли реестр баённомаси)

А.М. Хаджибаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Х.Э.Анваров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Б.К. Алтиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида ҳар йили 50–60 миллиондан ортиқ бош мия жароҳати (БМЖ) ҳолатлари қайд этилади, уларнинг сезиларли қисми оғир шаклларга тўғри келади. Эпидемиологик тадқиқотлар маълумотларига кўра, бош мия жароҳатининг умумий учраш частотаси аҳоли ҳар 100 минг нафарига йилига 200–300 ҳолатни ташкил этади. Бунда оғир бош мия жароҳати (ОБМЖ) барча БМЖ ҳолатларининг тахминан 10–15% ни ташкил қилиб, юқори леталлик кўрсаткичлари билан характерланади. Турли тадқиқотлар натижаларига кўра, БМЖда леталлик даражаси 30–40% ни ташкил этади, бош ичи гипертензияси ривожланган ҳолатларда эса ушбу кўрсаткич 50–60% гача етиши мумкин[1].

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва халқаро Brain Trauma Foundation маълумотларига кўра, БМЖ учраш частотаси ҳар йили ўртача 2% га ошиб бормоқда, замонавий травматизм таркибида 25–30% ни ташкил этади ҳамда 45 ёшгача бўлган аҳоли ўртасида ўлимнинг асосий сабаблари орасида биринчи ўринни эгаллайди. Бош соҳаси жароҳатларининг тарқалиши 0–4 ёшли болаларда ҳар 100 000 аҳолига 150 ҳолатни ташкил этса, 15–24 ёшли шахсларда бу кўрсаткич ҳар 100 000 аҳолига 550 ҳолатгача ошади. ОБМЖ глобал тиббий-ижтимоий муаммо ҳисобланиб, замонавий халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган интенсив терапия стандартларига асосланган ҳолда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатилишини талаб этади[2].

Мамлакатимизда оғир бош мия жарохати (ОБМЖ), политравма ва қўшма жароҳатлар билан касалланган беморларга сифатли, юқори малакали ва ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқишга қаратилган ислоҳотлар доирасида турли касалликлар ва патологик ҳолатларда тиббий ёрдам сифатини янада ошириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Мазкур диссертация тадқиқоти маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сонли «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПФ–4985-сонли Фармонлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ–5254-сонли «Ҳудудларда хирургик хизматни трансформация қилиш, хирургик амалиётлар сифати ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур соҳада қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

[1] Krishnamoorthy V., Komisarow J.M., Laskowitz D.T., Vavilala M.S. Multiorgan dysfunction after severe traumatic brain injury: epidemiology, mechanisms, and clinical management. Chest 2021;160(3):956–964

[2] Halalmeh D.R., Salama H.Z., Le Unes E. et al. The Role of Neuropsychology in Traumatic Brain Injury: Comprehensive Literature Review. // World Neurosurg. 2024 - №183 – p.128-143

вазифаларнинг ижросини таъминлашга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасини 2017–2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш вазифалари белгиланган бўлиб, унда «...аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш, тиббий хизматлар сифатини яхшилаш, шунингдек диагностикани тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш ва юқори технологияли даволаш усулларини жорий этиш...»[3] устувор йўналишлар сифатида қайд этилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ОБМЖда интенсив терапиянинг асосий йўналиши бош миянинг иккиламчи шикастланиш омилларини олдини олиш ва уларни коррекция қилиш ҳисобланади, аналгоседация эса ОБМЖнинг ўткир даврида интенсив терапиянинг асосий таркибий қисмларидан бири саналади.

Ушбу соҳадаги етакчи мутахассислар маълумотларига кўра, БМЖ билан касалланган беморларнинг аксариятида мия қон оқимининг ауторегуляцияси бузилади. Бунда аналгоседациянинг асосий мақсади мия тўқимасининг кислородга бўлган эҳтиёжини камайтириш, гемодинамикани барқарорлаштириш, шунингдек йўтал рефлекси ва беморнинг қўзғалиш ҳолатини олдини олиш ҳамда бартараф этишдан иборат бўлиб, ушбу омиллар бош ичи босими ва церебрал перфузион босимнинг ошишига олиб келиши мумкин (Godoy D.A., 2017).

Ҳозирги вақтда БМЖни комплекс даволашда эмпирик қўлланилаётган седатив препаратлар ва анальгетиклар (бензодиазепинлар, опиоид анальгетиклар, барбитуратлар ва бошқалар) зарур даражадаги аналгоседацияни таъминламаслиги аниқланган. Улар кўп ҳолларда ортиқча седацияга олиб келиб, тизимли гемодинамика ва мия перфузиясининг пасайишига сабаб бўлади ҳамда бош ичи босимига салбий таъсир кўрсатади. Бензодиазепинлар асосан неврологик ҳолатни мажбурий баҳолаш талаб этилмайдиган беморларда седация мақсадида қўлланилади. Бироқ уларнинг метаболитлар тўпланиши, узоқ муддатли инфузия вақтида толерантлик ривожланиши ва делирий пайдо бўлиши эҳтимоли каби жиддий камчиликлари мавжуд (Frontera J.A. et al., 2024).

Опиоидлар, масалан пропофол билан биргаликда қўлланилганда, седатив воситалар таъсирини кучайтиради. Улар седатив препаратларга бўлган эҳтиёжни камайтиради ҳамда самарали оғриқсизлантириш ва седацияни таъминлайди. Шу билан бирга, опиоидларни болюс усулида юбориш, айниқса систолик артериал босим (САБ) пасайган ҳолатларда, бош

[3] Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

ичи босимининг (БИБ) ошиши хавфини юзага келтириши мумкин (George B.P. et al., 2020).

Сунъий ўпка вентиляциясида (СЎВ) бўлган ва бош ичи гипертензияси кузатилган беморларда кетамин қўлланилишига бағишланган тадқиқотлар мавжуд бўлиб, уларда кетамин бош ичи босимини самарали равишда пасайтириши ҳамда потенциал стресс ҳолатларида унинг ошишининг олдини олиши кўрсатилган (Gregers M.C., 2020).

Бош миянинг ўткир шикастланиши бўлган беморларда дексмедетомидин қўлланилиши ажитация даражасининг камайиши, опиоидлар ва бошқа седатив воситалар дозаларининг қисқариши, шунингдек бош ичи гипертензияси ривожланганда шошилинч терапияга бўлган эҳтиёжнинг пасайиши билан боғлиқлиги аниқланган (Hatfield J. et al., 2024).

Гемодинамикага эҳтимолий таъсири туфайли дексмедетомидинни гемодинамикаси барқарор бўлган беморларда қўллаш тавсия этилади, айниқса у седацияни тўхтатиш жараёнини енгиллаштиришда самарали ҳисобланади.

БМЖда аналгоседациянинг оптимал схемаларини ишлаб чиқиш, препаратларнинг аниқ дозалари ва уларнинг комбинацияларини белгилаш долзарб аҳамиятга эга. Шунингдек, БМЖда седатив воситалар комбинацияларининг қўлланилиши натижасида кузатиладиган физиологик ва клиник самараларни баҳолашга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш зарур. Амалда тавсия этилган аналгоседация схемалари тизимли ва церебрал гемодинамикага, вазопрессор қўллаб-қувватлашга бўлган эҳтиёжга, седация чуқурлигига ҳамда беморнинг неврологик ҳолатини баҳолаш натижаларига турлича таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу муносабат билан, ОБМЖ билан касалланган беморларда аналгоседация схемаларини оптималлаштириш замонавий нейрореаниматологиянинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу церебрал перфузияни назорат қилишни яхшилаш, асоратлар частотасини камайтириш ва даволашнинг клиник натижадорлигини оширишга қаратилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади комплекс интенсив терапия таркибида аналгоседация схемаларини оптималлаштириш орқали оғир бош мия жароҳати билан касалланган беморларни даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

изоляцияланган ОБМЖ (ИОБМЖ) билан касалланган беморларда аналгоседациянинг турли усуллари марказий ва периферик гемодинамика кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш, шунингдек вазопрессор қўллаб-қувватлашга бўлган эҳтиёжни баҳолаш;

изоляцияланган ОБМЖ билан касалланган беморларда аналгоседациянинг турли схемалари қўлланилганда седация чуқурлигини RASS шкаласи ва BIS-мониторинг ёрдамида баҳолаш;

аналгоседациянинг турли усулларини церебрал гемодинамика кўрсаткичларига, жумладан церебрал перфузион босим, БИБ ҳамда кўрув нерви қобиғи диаметрига таъсирини ўрганиш;

изоляцияланган ОБМЖ билан касалланган беморларда аналгоседациянинг турли вариантлари қўлланилганда неврологик ҳолат динамикасини Глазго кома шкаласи ва FOUR шкаласи ёрдамида баҳолаш;

аналгоседациянинг турли схемаларида касалликнинг клиник натижаларини қиёсий таҳлил қилиш, жумладан аналгоседация ва СЎВ давомийлиги, пневмония ривожланиш частотаси, реанимация бўлими ва стационарда ётиш муддати, Глазго натижалар шкаласи кўрсаткичлари, аналгоседация учун сарфланган препаратларнинг умумий миқдори ҳамда даволашнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2017–2024 йилларда РШТЁИМ ётқизилган изоляцияланган ОБМЖ билан касалланган 114 нафар бемор.

Тадқиқотнинг предмети: ИОБМЖ билан касалланган беморларни даволаш натижалари, турли аналгоседация схемаларининг самарадорлигини баҳолаш натижалари, ушбу схемаларнинг марказий ва периферик гемодинамика, церебрал перфузион қон оқими кўрсаткичларига таъсири, неврологик натижалар ва тадқиқотнинг клиник якунларини ўрганиш натижалари.

Тадқиқотнинг усуллари: клиник, инструментал, лаборатор, неврологик (онг даражаси ва касаллик натижаларини баҳолаш шкалалари), статистик тадқиқот усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

турли аналгоседация схемаларининг марказий ва периферик гемодинамика кўрсаткичларига таъсири комплекс қиёсий баҳоланди, ИОБМЖ билан касалланган беморларда RASS шкаласи ва BIS-мониторинг маълумотлари бўйича седация чуқурлиги ҳамда гемодинамик кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ўрганилди;

турли аналгоседация схемаларининг церебрал перфузион қон оқими кўрсаткичлари, жумладан БИБ, церебрал перфузион босим ва бош ичи гипертензиясининг ноинвазив маркери сифатида кўрув нерви қобиғи диаметрига таъсири ҳақида янги маълумотлар олинди. Шунингдек, аналгоседация схемалари билан Глазго кома шкаласи, FOUR шкаласи ва Глазго натижалар шкаласи бўйича неврологик ҳолат динамикаси ўртасидаги боғлиқлик аниқланди;

илк бор комбинирланган аналгоседация схемаси (пропофол + фентанил + дексмедетомидин) қўлланилиши янада самарали аналгоседацияни таъминлаши ва ИОБМЖ билан касалланган беморларда аналгоседация учун қўлланиладиган барча препаратларнинг умумий дозасини камайтириши кўрсатилди;

турли аналгоседация схемаларини қўллашда клиник натижаларнинг комплекс баҳоси ўтказилди, жумладан седация ва СЎВ давомийлиги, пневмония ривожланиш частотаси, реанимация бўлими ва стационарда ётиш муддати таҳлил қилинди ҳамда ИОБМЖни комплекс даволашда таклиф этилган аналгоседация схемаларининг иқтисодий самарадорлиги баҳоланди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ИОБМЖ билан касалланган беморларда янада самарали аналгоседацияни таъминловчи комбинирланган аналгоседация схемасини (пропофол + фентанил + дексмедетомидин) қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди. Седатив препаратлар дозасини оптималлаштириш ва уларга бўлган эҳтиёжни камайтириш мақсадида RASS шкаласи ҳамда BIS-мониторинг ёрдамида седация чуқурлигини мониторинг қилишнинг аҳамияти тасдиқланди;

комбинирланган аналгоседациядан фойдаланиш ИОБМЖ билан касалланган беморларда марказий ва периферик гемодинамика кўрсаткичларининг барқарорроқ бўлишини таъминлаши ҳамда вазопрессор қўллаб-қувватлашга бўлган эҳтиёжни камайтириши аниқланди;

аналгоседация самарадорлигини баҳолаш ва церебрал перфузияни назорат қилишда БИБ, церебрал перфузион босим мониторинги ҳамда кўрув нерви қобиғи диаметри динамикасини таҳлил қилишнинг юқори информативлиги исботланди;

аналгоседациянинг оптималлаштирилган схемасини қўллаш СЎВ давомийлигини қисқартириш, нафас олиш тизими томонидан ривожланадиган асоратлар (пневмония) частотасини камайтириш, седатив препаратларнинг умумий сарфини қисқартириш, беморларнинг реанимация бўлими ва стационарда бўлиш муддатини камайтириш ҳамда ИОБМЖда интенсив терапиянинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини бериши кўрсатилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашувнинг тўғрилиги, бир-бирини тўлдирувчи тадқиқот усулларининг методологик жиҳатдан асосли равишда танланганлиги, кузатувга олинган беморлар сонининг етарлилиги, олинган маълумотларнинг замонавий статистик таҳлил усуллари ёрдамида қайта ишланганлиги, шунингдек тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий илмий тадқиқотлар маълумотлари билан таққосланганлиги ҳамда ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ИОБМЖ билан касалланган беморларда турли аналгоседация схемаларининг тизимли ва церебрал гемодинамикага таъсири ҳақидаги илмий тасаввурларни кенгайтириши билан белгиланади. RASS шкаласи ва BIS-мониторинг маълумотлари асосида баҳоланган аналгоседация чуқурлиги ҳамда марказий ва периферик гемодинамика кўрсаткичлари, шунингдек церебрал перфузия параметрлари, жумладан БИБ ва церебрал перфузион босим ўртасидаги ўзаро боғлиқликка оид янги маълумотлар олинди. Пропофол, фентанил ва

дексмедетомидин комбинациясидан иборат аналгоседация схемасини қўллаш янада самарали аналгоседацияни таъминлаши ва седатив препаратлар сарфини камайтириши исботланди. Олинган хулосалар ва амалий тавсиялар ИОБМЖ билан касалланган беморларда интенсив терапия масалалари бўйича клиник ординаторлар ва тингловчиларни ўқитиш жараёнига жорий этилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ИОБМЖ билан касалланган беморларнинг комплекс интенсив терапиясида оптималлаштирилган аналгоседация схемасини (пропофол + фентанил + дексмедетомидин) қўллашнинг мақсадга мувофиқлигини асослаб бериши билан белгиланади. Ишлаб чиқилган схемадан фойдаланиш гемодинамик кўрсаткичларни барқарорлаштиришга, вазопрессор қўллаб-қувватлашга бўлган эҳтиёжни 37,4% га камайтиришга ҳамда тез уйғотиш ва адекват мулоқот қилиш мумкин бўлган беморлар улушини 55% га оширишга имкон берди. Шунингдек, седация давомийлиги 24,4% га, СЎВ давомийлиги 39,6% га қисқарди, пневмония ривожланиш частотаси 76% га камайди, реанимация бўлимида ётиш муддати 36% га ва стационарда бўлиш даври 38% га қисқарди. Аналгоседация учун қўлланилган препаратларнинг умумий сарфи 43% га камайиши ҳисобига даволашнинг клиник-иқтисодий самарадорлиги 50,7% га ошди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Изоляцияланган оғир бош мия жарохати билан касалланган беморларда аналгоседацияни оптималлаштириш ва тиббий ёрдам самарадорлигини ошириш мақсадида ўтказилган илмий тадқиқот натижалари асосида «Оғир бош мия жароҳатли беморларда аналгоседацияни такомиллаштириш» номли услубий тавсиянома ишлаб чиқилди (РШТЁИМ Илмий кенгашининг 2026 йил 26 мартдаги 1-сонли баённомаси) ва соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этилди:

биринчи илмий янгилик: изоляцияланган оғир бош мия жарохати (ИОБМЖ) билан касалланган беморларда турли аналгоседация схемаларининг марказий ва периферик гемодинамика кўрсаткичларига таъсири комплекс қиёсий баҳоланишида RASS шкаласи ва BIS-мониторинг маълумотлари RASS шкаласи ва BIS-мониторинг маълумотлари бўйича седация чуқурлигининг гемодинамик параметрлар билан ўзаро боғлиқлиги асосида натижалар РШТЁИМнинг Наманган филиали амалиётига (2026 йил 13 апрелдаги 79/2-сонли буйруқ), шунингдек РШТЁИМнинг Хоразм филиали амалиётига (2026 йил 15 апрелдаги 83-I-сонли буйруқ) жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* шундан иборатки, мазкур ўзаро боғлиқли беморларнинг ҳолатини актуал ва аниқ баҳоланиб, касаллик кечишини ўз вақтида баҳолаш ва асоратларни олдини олиш имконияти яратилди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* шундан иборатки, турли аналгоседация схемаларининг гемодинамик кўрсаткичларга таъсирини комплекс баҳолаш ва седация чуқурлигини мониторинг қилиш асосида ИОБМЖ билан касалланган ҳар бир бемор учун харажатлар ўртасидаги фарқ 3 658 789 сўмни ташкил этди, реанимация бўлимида бир кунлик даволаниш

қиймати эса 29,3% га камайди, бу мазкур усулнинг юқори самарадорлигини тасдиқлайди. *Хулоса*: ИОБМЖ билан касалланган беморларда турли аналгоседация схемаларининг марказий ва периферик гемодинамикага таъсири биринчи марта комплекс қиёсий баҳоланди, RASS шкаласи ва BIS-мониторинг маълумотлари бўйича седация чуқурлигининг гемодинамик параметрлар билан ўзаро боғлиқлиги аниқланди. Ушбу ёндашувни қўллаш натижасида ИОБМЖ билан касалланган ҳар бир бемор учун харажатлар фарқи 3 658 789 сўмни ташкил этди ҳамда реанимация бўлимида бир кунлик даволаниш қиймати 54,7% га камайди, бу эса мазкур методиканинг юқори амалий самарадорлигини кўрсатади;

иккинчи илмий янгилик: турли аналгоседация схемаларининг церебрал перфузион қон оқими кўрсаткичлари (бош ичи босими, церебрал перфузион босим ва бош ичи гипертензиясининг) ноинвазив маркери сифатида кўрув нерви қобиғи диаметрига таъсири ҳақида янги олинган маълумотлар, шунингдек аналгоседация схемалари билан Глазго кома шкаласи, FOUR шкаласи ва Глазго натижалар шкаласи бўйича неврологик ҳолат динамикаси ўртасидаги боғлиқлиги асосида натижалар РШТЁИМ Наманган филиалига (2026 йил 13 апрелдаги 79/2-сонли буйруқ) ва РШТЁИМ Хоразм филиалига (2026 йил 15 апрелдаги 83-I-сонли буйруқ) жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* шундан иборатки, турли аналгоседация схемаларининг церебрал перфузион қон оқими кўрсаткичлари ҳамда кўрув нерви қобиғи диаметрига таъсирига оид янги маълумотлар ва Глазго кома шкаласи, FOUR шкаласи ва Глазго натижалар шкаласи бўйича неврологик ҳолат динамикаси ўртасидаги боғлиқлик аниқланганлиги ИОБМЖ клиник симптоматикаси динамикасини прогноз қилиш имконини беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* шундан иборатки, турли аналгоседация схемаларининг церебрал перфузион қон оқими кўрсаткичлари (БИБ ва ЦПБ) ҳамда кўрув нерви қобиғи диаметрига таъсирига оид янги маълумотлар олиниши ва неврологик ҳолат динамикаси билан боғлиқликнинг аниқланиши ИОБМЖ клиник кечишини прогноз қилиш имконини берди. Натижада ИОБМЖ билан касалланган ҳар бир бемор учун харажатлар фарқи 2 066 339 сўмни ташкил қилди, стационар даволаш қиймати эса 45% га камайди, бу ишлаб чиқилган диагностик ёндашувнинг самарадорлигини тасдиқлайди. *Хулоса:* турли аналгоседация схемаларининг церебрал перфузион қон оқими кўрсаткичлари (БИБ ва ЦПБ) ҳамда кўрув нерви қобиғи диаметрига таъсири ҳақида янги маълумотлар олинди, аналгоседация схемалари билан Глазго кома шкаласи, FOUR шкаласи ва Глазго натижалар шкаласи бўйича неврологик ҳолат динамикаси ўртасидаги боғлиқлик аниқланди, бу эса ИОБМЖ клиник симптоматикаси динамикасини прогноз қилиш имконини берди. Ушбу ёндашувни қўллаш натижасида ИОБМЖ билан касалланган ҳар бир бемор учун харажатлар фарқи 2 066 339 сўмни ташкил қилди, стационар даволаш қиймати 45% га камайди;

учинчи илмий янгилик: илк бор комбинирланган аналгоседация схемасини (пропофол + фентанил + дексмедетомидин) қўллаш ИОБМЖ билан касалланган беморларда янада самарали седацияни таъминлаши ҳамда

аналгоседация учун қўлланиладиган барча препаратларнинг умумий дозасини камайтириши кўрсатилди. Ушбу натижалар РШТЁИМ Наманган филиалига (2026 йил 13 апрелдаги 79/2-сонли буйруқ) ва РШТЁИМ Хоразм филиалига (2026 йил 15 апрелдаги 83-I-сонли буйруқ) жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* шундан иборатки, комбинирланган аналгоседация схемасини (пропофол + фентанил + дексмедетомидин) қўллаш седацияни янада самарали назорат қилиш имконини бериб, ИОБМЖ билан касалланган беморларда аналгоседация учун қўлланиладиган препаратларнинг умумий дозасини камайтирди, бу эса марказий нерв тизимига тушадиган юкламани пасайтириш ва беморлар ҳолатини яхшилашга хизмат қилди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* шундан иборатки, комбинирланган аналгоседация схемасини (пропофол + фентанил + дексмедетомидин) қўллаш седацияни самарали назорат қилиш билан бирга аналгоседация учун сарфланадиган препаратларнинг умумий миқдорини камайтирди ва иқтисодий харажатларни 29,3% га, яъни 225 171 сўмга қисқартириш имконини берди, бу эса ушбу усулнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди. *Хулоса*: комбинирланган аналгоседация схемасини (пропофол + фентанил + дексмедетомидин) қўллаш ИОБМЖ билан касалланган беморларда седацияни янада самарали назорат қилишни таъминлаб, аналгоседация учун қўлланиладиган препаратларнинг умумий дозасини камайтирди. Натижада иқтисодий харажатлар 29,3% га, яъни 225 171 сўмга қисқарди, бу эса мазкур усулнинг юқори клиник ва иқтисодий самарадорлигини кўрсатди;

тўртинчи илмий янгилик: турли аналгоседация схемаларини қўллашда клиник натижаларнинг комплекс баҳоси ўтказилди, жумладан седация ва СЎВ давомийлиги, пневмония ривожланиш частотаси, реанимация бўлими ва стационарда ётиш муддати таҳлил қилинди ҳамда ИОБМЖни комплекс даволашда таклиф этилган аналгоседация схемаларининг иқтисодий самарадорлиги баҳоланди. Ушбу натижалар РШТЁИМ Наманган филиалига (2026 йил 13 апрелдаги 79/2-сонли буйруқ) ва РШТЁИМ Хоразм филиалига (2026 йил 15 апрелдаги 83-I-сонли буйруқ) жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* шундан иборатки, турли аналгоседация схемаларини қўллашда седация ва СЎВ давомийлиги, пневмония ривожланиш частотаси, реанимация бўлими ва стационарда ётиш муддати каби клиник натижалар комплекс баҳоланди ҳамда ИОБМЖ билан касалланган беморларда ҳар бир аналгоседация усулининг клиник ва ижтимоий самарадорлиги аниқланди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* шундан иборатки, турли аналгоседация схемаларининг клиник натижаларини ва уларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ИОБМЖ билан касалланган беморларни комплекс даволашда моддий харажатларни 50,77% га, яъни ҳар бир бемор ҳисобига 5 725 098 сўмга камайтириш имконини берди. *Хулоса:* турли аналгоседация схемаларини қўллашда клиник натижаларнинг комплекс баҳоси ўтказилди, жумладан седация ва СЎВ давомийлиги, пневмония ривожланиш частотаси,

реанимация бўлими ва стационарда ётиш муддати таҳлил қилиниб, таклиф этилган аналгоседация схемаларининг иқтисодий самарадорлиги исботланди. Уларни қўллаш натижасида ИОБМЖ билан касалланган ҳар бир бемор учун моддий харажатлар 50,77% га, яъни 5 725 098 сўмга камайди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 2 та илмий-амалий анжуманда, жумладан халқаро иштирокдаги конференцияларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шу жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган. Диссертация мавзуси бўйича 1 та услубий тавсиянома ва 10 та тезис нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **« Оғир бош мия жароҳатида интенсив терапияда аналгоседация (адабиётлар шарҳи)»** маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар натижаларини таҳлил қиладиган адабиётларнинг таҳлилий шарҳи келтирилган.

Седация даражасини мониторинг қилиш масалаларига, аналгоседация учун қўлланиладиган замонавий дори воситалари таҳлилига алоҳида эътибор қаратилди, аналгоседациянинг мақсадли даражаси ва давомийлиги бўйича мунозарали адабиётлар таҳлил қилинди. ОБМЖда церебрал перфузиянинг бузилиши, БИБ ошиши ва тизимли гемодинамик ўзгаришлар натижасида юзага келадиган бош миянинг иккиламчи шикастланиши хавфлари муҳокама қилинди.

Илмий адабиётларнинг чуқур таҳлили шуни кўрсатдики, адекват аналгоседация оғриқ синдромини самарали назорат қилишни таъминлайди, бош миянинг метаболик эҳтиёжларини камайтиради, беморнинг СЎВ аппарати билан синхронлашувини яхшилайди ва БИБ ошишининг олдини

олади. Бироқ алоҳида седация схемаларининг марказий ва периферик гемодинамика кўрсаткичларига таъсири бўйича маълумотлар таҳлили ОБМЖнинг клиник натижалари ҳанузгача баҳслилигини кўрсатади. Шу билан бирга, аналгоседация учун бир нечта препаратлар комбинациясини қўллаш имкониятлари, уларнинг дозаларини камайтириш ҳисобига седациянинг зарур чуқурлигини таъминлаш ва тизимли ҳамда церебрал гемодинамикага минимал таъсир кўрсатиш масалалари етарлича ўрганилмаган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот материаллари ва усуллари»** номли иккинчи бобида клиник материал ва тадқиқот усулларининг умумий тавсифи берилган.

Тадқиқотнинг клиник материали ИОБМЖ билан касалланган 114 нафар бемордан иборат бўлиб, улар аналгоседация турига кўра 2 гуруҳга тақсимланди.


Асосий гуруҳ (АГ) 56 нафар беморни қамраб олди, уларнинг ўртача ёши 43,84±13,82 йилни ташкил қилди (95% ИИ 40,14–47,54). Ушбу беморларда аналгоседация пропофол 2 мг/кг, фентанил 1 мкг/кг ва дексмедетомидин 0,8 мкг/кг комбинацияси ёрдамида амалга оширилди.

Назорат гуруҳи (НГ) 58 нафар бемордан иборат бўлиб, уларнинг ўртача ёши 42,78±14,10 йилни ташкил қилди (95% ИИ 39,07–46,48). Ушбу гуруҳда аналгоседация пропофол 2 мг/кг ва фентанил 1 мкг/кг комбинацияси орқали ўтказилди.

Кейинги босқичда ҳар икки гуруҳда седацияни давом эттириш марказий ва периферик гемодинамика, ЦПБ ҳамда БИБ кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда дори воситалари дозаларини титрлаш ва индивидуал танлаш орқали амалга оширилди.


Жами беморларнинг 86% ини (98 нафар) эркаклар, 14% ини (16 нафар) аёллар ташкил қилди. Гуруҳлар ўртасида жинс бўйича статистик аҳамиятли фарқ аниқланмади.

ШКГ бўйича сопор 61 нафар (53,5%) беморда, I даражали кома 42 нафарда (36,8%), II даражали кома эса 11 нафар (9,6%) беморда аниқланди. Ёпиқ бош мия жароҳати (ЁБМЖ) 63 нафар (55,3%) беморда, очиқ бош мия жароҳати (ОчБМЖ) 51 нафар (44,7%) беморда қайд этилди. Бош мия чайқалиши 5 нафар (4,4%) беморда аниқланди, ўрта оғир даражадаги бош мия лат ейиши 11 нафарда (9,7%), оғир даражадаги бош мия лат ейиши эса 98 нафар (86,0%) беморда қайд этилди (1-расм).



1-расм. Гуруҳлар бўйича бош мия шикастланишларининг тақсимланиши (%).


Дислокацион синдром 44 нафар (38,6%) беморда, тиришиш синдроми 8 нафарда (7,0%), аспирацион синдром 4 нафарда (3,5%), бош мия шиши 28 нафарда (24,6%) аниқланди. Юқорида қайд этилган асоратларнинг биргаликда учраши 30 нафар (26,3%) беморда кузатилди (2-расм).



2-расм. Гуруҳлар бўйича ИОБМЖ асоратларининг тақсимланиши (%).

Бош чаноғи асоси синиши АГда 6 нафар (10,7%) беморда ва НГда 8 нафар (13,8%) беморда аниқланди. Турли даражадаги алкоголь мастлиги АГда 5 нафар (8,9%) беморда ва НГда 6 нафар (10,3%) беморда қайд этилди.


Ҳар икки гуруҳда субдурал гематомалар 17 нафар (14,9%) беморда, эпидурал гематомалар 15 нафарда (13,2%), субарахноидал қон қуйилишлар 13 нафарда (11,4%), қоринчалар ичига қон қуйилишлар эса 2 нафарда (1,7%) аниқланди. 61 нафар (53,5%) беморда юқорида келтирилган гематомаларнинг турли комбинациялари кузатилди, 6 нафар (5,3%) беморда эса гематомалар аниқланмади (3-расм).



3-расм. ИОБМЖ билан касалланган беморларда бош ичи қон қуйилишларининг гуруҳлар бўйича тақсимоти (%).

Қўшма гематомаларни олиб ташлаш билан бажарилган резекцион-декомпрессион трепанация (РДТ) АГда 30 нафар (53,6%) ва НГда 32 нафар (55,2%) беморда амалга оширилди. Субдурал гематомани олиб ташлаш билан бажарилган РДТ АГда 4 нафар (7,1%) ва НГда 9 нафар (15,5%) беморда ўтказилди. Эпидурал гематомани олиб ташлаш билан бажарилган РДТ мос равишда АГда 15 нафар (26,8%) ва НГда 8 нафар (13,8%) беморда бажарилди.

Суяк бўлакларини олиб ташлаш амалиётини АГда 2 нафар (3,6%) ва НГда 2 нафар (3,4%) бемор ўтказди. АГда 2 нафар (3,6%) беморга, НГда эса 3 нафар (5,3%) беморга жарроҳлик амалиёти ўтказилмади (4-расм).



4-расм. ИОБМЖ билан касалланган беморларда ўтказилган жарроҳлик амалиётларининг гуруҳлар бўйича тақсимоти (%).

Онг даражаси Глазго кома шкаласи (ГКШ) ва FOUR шкаласи (FOUR) ёрдамида баҳоланди. Седация даражаси RASS шкаласи ҳамда ЭЭГнинг реал вақт режимидаги BIS-мониторинги ёрдамида аниқланди.

Марказий ва периферик гемодинамика кўрсаткичлари «Тритон» (Россия) бемор монитори ҳамда ЭКГ ва кўкрак қафаси импеданси асосида импеданс кардиографияси (тетраполяр реокардиография) усули ёрдамида автоматик равишда ҳисобланди.

Церебрал перфузия мониторинги церебрал перфузион босим (ЦПБ), бош ичи босими (БИБ) ва кўрув нерви қобиғи диаметри (КНҚД) кўрсаткичлари орқали амалга оширилди.

Тадқиқотнинг клиник натижалари Глазго натижалари шкаласи (ГНШ), седация давомийлиги, седация учун қўлланилган препаратларга бўлган эҳтиёж ва уларнинг дозалари, сунъий ўпка вентиляцияси (СЎВ) давомийлиги, пневмония ривожланиш частотаси, вазопрессор препаратларга эҳтиёж, трахеостомия бажариш зарурати, шунингдек реанимация ва интенсив терапия бўлимида (РИТБ) ҳамда стационарда бўлиш муддати бўйича таҳлил қилинди

Статистик таҳлил StatTech v. 4.12.2 дастурида амалга оширилди. Бунда минимал ва максимал қийматлар, ўртача арифметик кўрсаткич ва унинг стандарт оғиши (M±SD), шунингдек сон кўрсаткичи (n) ва улуши (%) ҳисобланди. Ўртача қийматларнинг репрезентативлик мезони сифатида 95% ишонч интервали (95% ИИ) чегаралари келтирилди.

Гуруҳларда маълумотлар тақсимотининг нормаллиги Колмогоров–Смирнов тести ёрдамида баҳоланди. Нормал тақсимотга эга кўрсаткичлар учун гуруҳлар ўртасидаги ўртача қийматлар фарқининг статистик аҳамияти Стьюдентнинг t-мезони ёрдамида аниқланди, тақсимоти нормал бўлмаган кўрсаткичлар учун эса Уэлчнинг t-мезони қўлланилди. Фоиз кўрсаткичларининг гуруҳлараро таққосланиши Пирсоннинг χ^2 мезони ва Фишернинг аниқ мезони асосида бажарилди. Кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар $p<0,05$ бўлганда статистик аҳамиятли деб қабул қилинди.


Диссертациянинг «**Тадқиқот натижалари**» номли учинчи бобида аналгоседациянинг турли усулларини марказий ва периферик гемодинамика кўрсаткичларига таъсири ҳамда аналгоседация самарадорлигининг унинг даражалари бўйича баҳолаш натижалари келтирилган.

ГКШ бўйича ўртача кўрсаткич 7–8 баллни ташкил этиб, I даражали комага мос келди. Тадқиқотнинг 1-босқичида марказий ва периферик гемодинамика кўрсаткичлари бўйича гуруҳлар ўртасида статистик аҳамиятли фарқлар аниқланмади. BIS-мониторинг натижаларига кўра, 1-босқичда бош мия фаоллиги 79–82% ни ташкил қилди ва гуруҳлараро таққослашда статистик аҳамиятли фарқ кузатилмади.

Аналгоседация бошланганидан 12 соат ўтгач, САБ ҳар икки гуруҳда пасайди. АГда мазкур кўрсаткичнинг статистик аҳамиятли пасайиши 9,5% ни, НГда эса 14,5% ни ташкил қилди. Кейинги босқичларда САБ АГда нисбатан юқорироқ даражада сақланиб қолган бўлса-да, НГ билан таққослаганда статистик аҳамиятли фарқ аниқланмади.

АГда юрак қисқаришлари сони (ЮҚС) тадқиқотнинг 2-босқичида бошланғич даражага нисбатан статистик аҳамиятли равишда 14,2% га камайди, НГда эса бу кўрсаткич 13,2% ни ташкил қилди. 24 соатдан кейин

гуруҳлар ўртасидаги статистик аҳамиятли фарқ 7,1% бўлди. 3 суткадан сўнг АГда ЮҚС олдинги босқичга нисбатан яна 8,5% га пасайди, бунда гуруҳлараро статистик аҳамиятли фарқ 18,7% ни ташкил қилди. 5 суткада (5-босқич) АГда ЮҚСнинг пасайиш тенденцияси сақланиб қолди, бироқ кўрсаткичлар физиологик меъёр доирасида бўлди. Ушбу босқичда гуруҳлар ўртасидаги статистик аҳамиятли фарқ 18,5% ни ташкил қилди (5-расм).




5-расм. АГ ва НГда САБ ва ЮҚС кўрсаткичлари динамикаси.

ОПҚҚ кўрсаткичи тадқиқотнинг барча босқичларида гуруҳлар ўртасида статистик аҳамиятли фарққа эга бўлмади ва ҳар икки гуруҳда ҳам меъёрий чегараларда сақланиб қолди.

УҲ кўрсаткичи тадқиқотнинг 1- ва 2-босқичларида гуруҳлар ўртасида фарқ қилмади. Тадқиқотнинг 3-босқичида НГда мазкур кўрсаткич АГга нисбатан 9,6% га пасайганлиги қайд этилди, АГда эса УҲнинг меъёрий кўрсаткичларга яқинлашиш тенденцияси кузатилди. 5-босқичда НГда УҲ кўрсаткичининг АГга нисбатан 14,7% га паст бўлиши билан ифодаланган статистик аҳамиятли фарқ аниқланди (6-расм).


СИ кўрсаткичи дастлабки босқичда гуруҳлар ўртасида статистик аҳамиятли фарққа эга эмас эди. Тадқиқотнинг 2-босқичида СИнинг бошланғич кўрсаткичларга нисбатан статистик аҳамиятли пасайиши НГда 14,5% ни, АГда эса 11,8% ни ташкил қилди. Тадқиқотнинг 3- ва 4-босқичларида СИ кўрсаткичи АГда НГга нисбатан 8,5% га юқори бўлиб, статистик аҳамиятли гуруҳлараро фарқ сақланиб қолди. Кейинчалик, 5-суткада АГда СИнинг олдинги босқичга нисбатан статистик аҳамиятли 13% га ошиши қайд этилди (6-расм).



6-расм. АГ ва НГда УҲ ва СИ кўрсаткичлари динамикаси

Вазопрессор препаратларга эҳтиёж АГда 25 нафар (44,6%) беморда, НГда эса 38 нафар (65,5%) беморда кузатилди. НГда норадреналин дозаси бутун аналгоседация даври мобайнида 0,07±0,02 мкг/кг/мин (95% ИИ 0,06–0,07) ни ташкил қилди. АГда эса норадреналин дозаси 0,05±0,01 дан 0,06±0,02 мкг/кг/мин гача (95% ИИ 0,05–0,06) ўзгариб турган бўлиб, турли босқичларда НГга нисбатан статистик аҳамиятли равишда 14,2% ва 28,5% га паст бўлган (p<0,05) (7-расм).

НГда мезатоннинг ўртача дозаси 0,08±0,01 мкг/кг/миндан 0,09±0,01 мкг/кг/мингача ўзгариб турган бўлса, АГда ушбу кўрсаткич 0,05±0,01 дан 0,06±0,01 мкг/кг/мингача бўлган. Тадқиқотнинг 1- ва 3-суткаларида мезатон дозаси АГда НГга нисбатан статистик аҳамиятли равишда мос равишда 33,0% ва 37,5% га паст бўлган. 5-суткада эса мазкур фарқ янада ортиб, мезатон дозасининг 85,7% га камайиши билан тавсифланган статистик аҳамиятли тафовут қайд этилди (7-расм).



7-расм. АГ ва НГда норадреналин ҳамда мезатонга бўлган эҳтиёж динамикаси

RASS шкаласи бўйича дастлабки баҳолашда 2 баллга эга беморлар улуши АГда 55,4%, НГда 56,9% ни, 3 баллга эга беморлар улуши эса мос равишда 44,6% ва 43,1% ни ташкил қилди. Гуруҳлар ўртасида статистик аҳамиятли фарқ аниқланмади. Ушбу ҳолат беморларда яққол психомотор қўзғалиш ва СЎВ аппаратига қаршилик кўрсатиш билан кечди.


12 соатдан кейин (2-босқич) АГда RASS шкаласи бўйича −1 баллга эга 13 нафар (23,2%) бемор, НГда эса 16 нафар (27,6%) бемор қайд этилди. −2 балл АГда 31 нафар (55,4%) ва НГда 27 нафар (46,6%) беморда кузатилди. −3 баллга эга беморлар сони АГда 12 нафарни (21,4%), НГда эса 15 нафарни (25,9%) ташкил қилди (p=0,643). BIS-мониторинг ҳар икки гуруҳда ҳам чуқур седация ҳолатини аниқлади: АГда 69,43±6,97%, НГда эса 69,91±14,58% (p>0,05).

2-босқичда пропофол дозаси НГда 1,43±0,37 мг/кг/соатни (95% ИИ 1,33–1,53), АГда эса 0,84±0,04 мг/кг/соатни (95% ИИ 0,83–0,85) ташкил қилди. Фентанил дозаси АГда 0,68±0,09 мкг/кг/соат (95% ИИ 0,65–0,70), НГда эса 1,10±0,30 мкг/кг/соат (95% ИИ 1,02–1,18) бўлди. АГда дексмедетомидиннинг 0,86±0,11 мкг/кг/соат дозада (95% ИИ 0,83–0,88) пропофол ва фентанил

билан биргаликда қўлланилиши мазкур препаратлар дозасини мос равишда 41,2% ва 38,1% га камайтириш имконини берди.


3-босқичда НГда RASS шкаласи бўйича −3 баллга эга 5 нафар (8,6%) бемор қайд этилган бўлса, АГда бундай беморлар кузатилмади. RASS бўйича −1 ва −2 баллга эга беморлар АГда тенг миқдорда бўлиб, ҳар бир гуруҳни 28 нафардан (50,0%) ташкил қилди. НГда −1 балл 28 нафар (48,3%) беморда, −2 балл эса 25 нафар (43,1%) беморда қайд этилди. BIS-мониторинг маълумотларига кўра гуруҳлар ўртасида статистик аҳамиятли фарқ аниқланмади. Аналгоседация даражаси ҳар икки гуруҳда етарли бўлиб, АГда 70,68±10,01% (95% ИИ 68,0–73,36), НГда эса 70,09±14,49% (95% ИИ 66,28–73,90) ни ташкил қилди.

3-босқичда пропофол дозаси АГда 0,73±0,07 мг/кг/соатни (95% ИИ 0,71–0,75) ташкил қилди, бу НГ кўрсаткичидан 36,5% га паст бўлиб, НГда мазкур доза 1,15±0,30 мг/кг/соатга (95% ИИ 1,08–1,23) етди. Фентанил дозаси АГда 0,59±0,07 мкг/кг/соатни (95% ИИ 0,57–0,61) ташкил этиб, НГ кўрсаткичидан 34,4% га паст бўлди. НГда ушбу кўрсаткич 0,90±0,08 мкг/кг/соатга (95% ИИ 0,88–0,91) тенг бўлди (8-расм).



8-расм. АГ ва НГда пропофол ҳамда фентанил дозалари динамикаси

Дексмедетомидин дозаси эса олдинги тадқиқот босқичига нисбатан 14,0% га камайиб, 0,74±0,15 мкг/кг/соатни (95% ИИ 0,70–0,78) ташкил қилди (9-расм).



9-расм. АГда дексмедетомидин дозаси динамикаси

Тадқиқотнинг 4-босқичида (3-сутка) RASS шкаласи бўйича гуруҳлар ўртасида статистик аҳамиятли фарқлар аниқланди ($p<0,001$). НГда RASS бўйича −2 баллга эга беморлар улуши АГга нисбатан 33,8% га кам бўлди, аксинча, −1 баллга эга беморлар улуши АГда НГга нисбатан 35,6% га юқори эканлиги қайд этилди.

АГдаги беморларнинг аксарияти уйғотиш ва седация даражасини баҳолаш вақтида мулоқот учун очиқ бўлган. Фаол уйғотиш амалга оширилмаган вақтларда BIS-мониторинг аналгоседация чуқурлигининг етарли даражада сақланганлигини кўрсатди: АГда 71,86±12,27% (95% ИИ 68,57–75,15), НГда эса 69,97±14,75% (95% ИИ 66,09–73,85) ни ташкил қилди.

4-босқичда пропофол дозаси АГда НГга нисбатан 38,7% га паст бўлиб, 0,57±0,06 мг/кг/соатни (95% ИИ 0,56–0,59) ташкил қилди. НГда ушбу кўрсаткич 0,93±0,04 мг/кг/соатга (95% ИИ 0,92–0,94) тенг бўлди. Фентанил дозаси АГда НГга нисбатан 61,5% га кам бўлиб, 0,50±0,04 мкг/кг/соатни (95% ИИ 0,49–0,51), НГда эса 1,30±0,18 мкг/кг/соатни (95% ИИ 1,25–1,34) ташкил қилди.

АГда дексмедетомидин дозаси 0,49±0,21 мкг/кг/соатни (95% ИИ 0,43–0,55) ташкил қилиб, олдинги босқичга нисбатан 33,8% га камайди. Аналгоседация препаратлари дозаларининг пасайтирилиши АГда RASS бўйича −1 баллга эга беморлар улушининг ортиши билан кузатилди.

5-босқичда АГда RASS бўйича −2 баллга эга беморлар қайд этилмади, НГда эса бундай беморлар сони 1 нафарни (1,7%) ташкил қилди. RASS бўйича 0 баллга, яъни онги равшан ҳолатга эга беморлар АГда 42 нафарни (75,0%) ташкил қилди, бу НГ кўрсаткичидан 40,2% га юқори бўлиб, НГда мазкур кўрсаткич 26 нафар (44,8%) беморга тенг бўлди.


RASS бўйича −1 баллга эга беморлар улуши АГда НГга нисбатан статистик аҳамиятли равишда 66,4% га кам бўлди. RASS бўйича +1 баллга эга беморлар АГда 4 нафарни (7,1%) ташкил қилган бўлса, НГда бундай беморлар кузатилмади.

